
Қарздордан жиноий жарима тўлиқ ундирилди

Мажбурий ижро бюросининг Ўзбекистон туман бўлими иш юритувида бўлган жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 25.05.2022 йилдаги Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186-З-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган Л.А.га баъзавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида, яъни 24.500.000 минг сўм жиноий жарима ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бўлим иш юритувида 22.06.2022 йилда келиб тушган ва ижро иши қўзғатилган.

Қарздор Л.А.га ижро ҳужжати бўйича иш юритиш тартиб-тамойиллари батафсил тушунтирилиб огоҳлантирилгач, 04.07.2022 йил куни қарздордан 24.500.000 сўм жиноий жарима тўлиқ ундирилиб, давлат ҳисобига ўтказилиши таъминланди ва ижро ҳужжати амалда тамомланди.

Мажбурий ижро бюросининг Ўзбекистон туман бўлими

2022-07-05 19:02:33